

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ХОНКЕЛДИЕВА КОМИЛАХОН РАВШАНЖОН ҚИЗИ

**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КЛАСТЕРЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Хонкелдиева Комилахон Равшанжон кизи

Тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятида бошқарув
механизмларини такомиллаштириш 3

Хонкелдиева Комилахон Равшановна

Совершенствование механизмов управления деятельностью кластеров
в текстильной промышленности 27

Khonkeldiyeva Komilakhon Ravshanovna

Improving the mechanisms for managing the activities of textile industry
clusters 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ХОНКЕЛДИЕВА КОМИЛАХОН РАВШАНЖОН ҚИЗИ

**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КЛАСТЕРЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент
08.00.03 – Саноат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТ**

Тошкент – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Iqt1457 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Муминова Элинорахон Абдукаримовна
иктисодиёт фанлари доктори, доцент.

Расмий оппонентлар: Йўлдошев Нуритдин Қурбонovich
иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Гаибназарова Зумрат Талатовна
иктисодиёт фанлари доктори, доцент


Етакчи ташкилот: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.116.02 ракамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 12 кун соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади.
Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-01-49, факс: (99871) 239-41-23, e-mail: tdiu@tsue.uz


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1098 ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-75, факс: (99871) 239-28-75, e-mail: tdiu@tsue.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «13» 12 кун таркатилади.
(2021 йил «13» 12 даги 21 - ракамли реестр баённомаси).




-М.П. Эшов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


- Д.М. Мавлянова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д., PhD


- Ш.Дж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д., PhD

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли сонининг ортиб бориши билан боғлиқ ҳолда бирламчи зарурий эҳтиёжларга бўлган талабнинг ортиши натижасида қулай табиий-иқлим шароитлари ҳамда етарли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган мамлакатларда тўқимачилик тармоғи иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Global Cotton Outlook халқаро баҳолаш тизими маълумотларига кўра, «... келажакдаги 10 йил давомида (2031 йилгача) тўқимачилик саноати учун хом ашё ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилдаги 25,4 млн. тоннадан 29,8 млн. тоннага, савдо ҳажми эса 10,1 млн. тоннадан 11,3 млн. тоннага ортиши кутилмоқда»¹. Шу боис тўқимачилик саноати ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга бўлган мамлакатларда тармоқнинг мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш асосида корхоналарнинг ташкилий-бошқарув тузилишини илғор интеграцион шаклга ўзгартириш асосида мазкур тармоқни янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Жаҳонда тўқимачилик саноати корхоналари фаолияти бошқарув жараёнларининг функционал самарадорлиги ишлаб чиқариш жараёнлари кетма-кетлигига асосланган, бир мақсад йўлида интеграциялашган тўқимачилик саноати кластерларини ташкил этиш ва бошқариш, корхоналарнинг ички имкониятларидан фойдаланиш асосида бошқарув самарадорлигини ошириш, кластер таркибига кирувчи корхоналар фаолиятини бошқариш механизмларини, истеъмолга тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат занжирини такомиллаштириш, рақобат устунликлари воситасида кластерлар рақобатбардошлигини ошириш борасида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда тўлиқ қувват билан фаолият юритаётган ҳамда эндиликда шаклланаётган тўқимачилик кластерларида самарали бошқарув модел ва механизмларини жорий этиш, умумий саноат маҳсулотлари таркибида тўқимачилик маҳсулотлари экспорт ҳажминини кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажминини ошириш борасидаги илмий тадқиқотлар олиб боришда устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноати кластерларини ташкил этиш, бошқарув самарадорлигини ошириш, таркибий ўзгариш ва ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификация қилиш, тармоқда қўшилган қиймат занжирини тўлақонли шакллантириш орқали корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ҳамда турмуш сифатини оширишга катта эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш»² бўйича устувор

¹ D.Hudson, J. Malaga, Bing Liu. Global Cotton Outlook 2021/22 – 2030/2031. –Texas (USA), ICAC, 2020. – p.23.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz.

вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси юзасидан тўқимачилик корхоналарининг горизонтал ва вертикал интеграцияси асосида шаклланувчи кластерлар фаолиятини ташкил этиш, бошқарув жараёнларини модернизациялаш орқали ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати, корхоналарнинг рақобатбардошлиги ҳамда экспорт салоҳияти ортиши йўналишларида илмий изланишларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 5 майдаги ПҚ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 10 ноябрдаги ПҚ-1038-сон «Пахта хом-ашёсини етиштириш ва унинг йиғим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек 2021 йил 16 ноябрдаги ПФ-14-сон «Пахта тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари хорижлик олимлар Ф.Тейлор, П.Друкер, М.Портер, И.Гордон, М.Уэйтс, Д.Вольф, М.Энрайт ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган³.

³ Тейлор Ф. Принципы научного менеджмента / Пер. с англ. – М.: Контроллинг, 1991. –104 с.; Друкер П. Посткапиталистическое общество. Новая постиндустриальная волна на Западе / Пер. с англ. – М.: Academia, 1999. – 288 с.; Друкер П. Практика менеджмента / Пер. с англ. – М.: Вильямс, 2007. – 398 с.; Drucker, P. (1977). People and Performance: The Best of Peter Drucker on Management. New York: Harper & Row. 317 p.; Porter, M.E. 1998. Clusters and the new economics of competition. Harvard Business Review 76 (6): 77-90.; Porter M. Competition. Moscow: Publishing House Williams. – 2001. -P. 207.; Gordon, I. and McCann, P. 2000. Industrial clusters: complexes, agglomeration and or social networks? Urban Studies 37 (3): – p. 510.; Waits, M.J. 2000. The added value of the industry cluster approach to economic analysis, strategy development, and service delivery. Economic Development Quarterly 14 (1): 35-50.; Wolfe, D. 2003. Clusters from the inside out: lessons from the Canadian study of cluster development. Paper presented at the DRUID summer conference. Copenhagen, June 12-14, 2003.; Enright M.J. Why Clusters are the Way to Win the Game? // Word Link. 1992. July/August. No 5. P. 24-25.

Ушбу соҳада МДХ олимларидан Г.Б.Клейнер, А.А.Итыгина, Э.И.Крылов, А.Н.Дырдонова, В.В.Глухов, Л.Ф.Хомутова, М.И.Хайдарзода, П.А.Мухсинова⁴ ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Тўқимачилик саноати кластерларини ривожлантириш, тармоқда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, кластер таркибидаги корхоналарда бошқарув жараёнларини такомиллаштиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари республикаимиз иқтисодчи олимлари С.С.Ғуломов, Н.Х.Жумаев, М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Н.Қ.Йўлдошев, М.Р.Болтабаев, З.Т.Гаибназарова, Э.А.Муминова, З.А.Хақимов, С.Ш.Юсупов, И.А.Тошпулатовларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган⁵.

Мазкур тадқиқотларда енгил саноат, хусусан, тўқимачилик саноати тармоғида кластерларнинг шаклланиш хусусиятлари, саноат ишлаб чиқаришида кластерли ёндашувнинг мазмуни, уларни бошқариш жараёнларини ташкил этиш, кластерлар ривожланишида ташкилий-иқтисодий ва бошқарув механизмларининг амал қилиш хусусиятлари ҳамда, кластерлар фаолиятида бошқарув самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Саноат тармоқлари ривожланишига модернизациялашув жараёнининг катта таъсирини эътиборга олган ҳолда кластерлар фаолиятини тизим шаклида самарали ташкил этиш ва ундаги бошқарув механизмларини ўрганиш, ўзгаришларнинг соҳани ривожлантиришдаги аҳамиятини белгилаш муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш заруриятини

⁴ Клейнер Г.Б. Предприятие в условиях неопределенности: риски, стратегии, безопасность / Г.Б. Клейнер, В.Л. Тамбовцев, Р.М. Качалов. – М.: Экономика, 2007. – 343 с.; Итыгина А.А. Организационно-экономический механизм формирования интегрированных корпоративных образований в текстильной промышленности. Дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: 2014. – С. 25.; Крылов Э.И., Власова В.М., Егорова М.Г., Журавкова И. В. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности предприятия: учеб. пособие для вузов. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 190 с.; Дырдонова, А.Н. Кластерная стратегия инновационного и экономического развития народнохозяйственного комплекса России/ А.Н.Дырдонова, Н.Ю.Фомин / Инновационные и экономические особенности укрепления государственности России в XXI веке: коллективная монография / Под общей ред. Н.А.Адамова. –М.: ЭКЦ «Профессор», 2016. –290 с.; Глухов В.В. Математические методы и модели для менеджмента. –Спб.: Лань, 2005. – 528 с.; Хомутова Л.Ф. Теория формирования кластерного подхода в национальной экономике Республики Таджикистан. Автореферат дисс. кандидата экон. наук. – Худжанд, 2012. –С. 25.; Хайдарзода М.И. Формирование и развитие региональных текстильно-швейных кластеров (на материалах Центрального Таджикистана). Автореферат дисс. кандидата экон. наук. – Душанбе, 2018. –С. 26.; Мухсинова П.А. Развитие легкой промышленности региона на основе кластерного подхода (на материалах Согдийской области Республики Таджикистан). Автореферат дисс. кандидата экон. наук. – Душанбе, 2020. –С. 27.

⁵ Гулямов С.С. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2019.; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: дарслик. –Тошкент, “Ўқитувчи”, 2001 й.; N.K.Yo‘ldoshev, G.E.Zaxidov. Menajment O‘quv qo‘llanma. –Т.: O‘zbekiston milliy faylasuflari jamiyati, 2018. – 392 б.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: докторлик диссертацияси. – Т.: ТДИУ, 2005. – 242 б.; Махмудов Н.М., Ақобирова Д. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 352 б.; Хақимов З.А. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.:2017. – 141 б.; Юсупов С.Ш. Кучли рақобат шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш стратегиялари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.:2018. – 144 б.; Тошпулатов И.А. Тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: ТДИУ, 2019. –137 б.

юзага келтиради. Тўқимачилик саноати кластерларида мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва уларда бошқарув модел ва механизмларини такомиллаштириш борасида кўрсатиб ўтилган йўналишлар диссертация ишининг мақсад ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлади.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ИТД-3 рақамли «Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизациялаш шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишни тадқиқ этиш, бошқаришнинг самарадор услуб ва технологияларини яратиш ҳамда такомиллаштириш» мавзусидаги доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ва соҳани самарали ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўқимачилик саноати корхоналари кластерлашувининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятини кластерли ёндашув асосида бошқаришнинг илмий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

тўқимачилик саноати кластерларини инвестициялашда фаолият инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг назарий асосларини ўрганиш;

тўқимачилик ва енгил саноати тармоғи ривожланишини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш ва тармоқ ривожланишидаги ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;

тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга таъсир этувчи омилларни ҳамда кластерлардаги интеграция жараёнлари рақобатбардошлигини тармоқли ёндашув асосида баҳолаш;

тўқимачилик кластерлари фаолиятини бошқариш жараёнида фойдаланишга мўлжалланган кўп омилли моделлар ва ўрта муддатли давр учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятини ривожлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

худудий тўқимачилик кластерларининг ташкилий-иқтисодий ҳамда бошқарув механизмларини такомиллаштириш йўналишида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тўқимачилик саноати кластерлари, хусусан, Фарғона вилоятида фаолият кўрсатувчи кластерлардаги бошқарув жараёнлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятини бошқариш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракция, тизимли таҳлил, эксперт баҳолаш, синтез, таққослаш, статистик таҳлил, анкета

сўровлари ўтказиш ва таҳлил этиш, SWOT-таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш ва эконометрик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик саноати кластерлари ва бошқарув жараёни самарадорлигини оширишда соҳага инвестициялар киритиш эвазига маҳаллий саноат корхоналари, тадбиркорлар капитал қўйилмалари ва давлат мақсадли дастурлари оптимал таркиби ($\sum_{i=1}^n a_i x_i \leq K^{мск} + K^{mk} + K^{омд}$, $\sum_{i=1}^n c_i x_i \rightarrow \max$) ни ҳисобга олган ҳолда

ошириш асосланган;

тўқимачилик кластери тизимини узоқ муддатли даврдаги рақобатбардошлигининг интеграл бошқарув индекс қийматларини «мутлоқ юқори» (10), «юқори» (6,09-8,09), «ўртача» (3-5,68), «паст» (3-5,01) ва «энг паст» (1-3) - чегарасидаги мезонлари орқали баҳолаш асосланган;

тўқимачилик корхоналарига янги технологияларни устувор қўллаш, ташқи бозорларга чиқиш ва жамоавий маркетинг лойиҳаларини амалга ошириш имкониятлари натижадорлигини таъминлашда соҳа саноати кластерларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини изчил давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

«Fergana Oseana» МЧЖ ва «Ваходир Log'on Tekstil» МЧЖда капитал қўйилмалар ва бошқарув фаолияти кўрсаткичларининг ўзгаришига бошқарув ходимлари сонини оптималлаштириш, бошқарув харажатларини камайтириш ва капитал қўйилмалар ҳажмини муқобиллаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона вилояти Қўштепа тумани «Fergana global textile» МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери томонидан 2021-2025-йилларда пахта ҳосилини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган инвестиция лойиҳасининг молиявий асослари амалга оширилган;

тўқимачилик саноати тармоқлари кўрсаткичлари вақтли қатори асосида соҳа фаолияти ҳудудий ҳамда тўқимачилик саноати тармоғи кесимида таҳлил қилинган ва тармоқда юз бераётган ўзгариш тенденциялари аниқланган;

тўқимачилик саноати кластерлари таркибидаги корхоналарнинг боғланиши асосида маҳсулотлар қиймат занжирининг таркибий тузилиши асосланган;

тўқимачилик саноати тармоғининг ташкилий тузилишини ҳисобга олган ҳолда тармоқнинг ҳудудий кластерини шакллантириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қўлланилган илмий-услубий ёндашувлар ва усулларнинг тадқиқот мақсади билан мослиги ҳамда илмий асосланганлиги, таҳлил учун олинган маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган сўровномаларнинг кенг қамровдаги респондентлар доирасида ўтказилганлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалда

синовдан ўтганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга таъсир этувчи омилларни иқтисодий баҳолаш ҳамда тармоқли ёндашув асосида тўқимачилик саноати кластерларида интеграция жараёнлари рақобатбардошлик даражасини баҳолаш йўналишидаги назарий ва услубий ёндашувларни ривожлантириш ҳамда мавзуга оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тўқимачилик саноати кластерларини бошқариш жараёнларини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни, омилли боғланиш асосида соҳани, шунингдек, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқишда, шу билан бирга бакалавриятнинг иқтисодий таълим йўналиши талабаларига «Саноат иқтисодиёти», «Саноат иқтисодиёти ва менежменти», «Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш», «Корхона иқтисодиёти», «Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятида бошқарув механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқимачилик саноати кластерлари ва бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишда соҳага инвестициялар киритиш эвазига маҳаллий саноат корхоналари, тадбиркорлар капитал қўйилмалари ва давлат мақсадли дастурлари оптимал таркибини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси фаолиятига жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 1 ноябрдаги 04/06-3055-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги «Fergana global textile» МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери дисконтлаштирилган қийматлар асосида лойиҳанинг инвестиция рентабеллиги даражаси инвестиция даври учун 133% га ва ўртача йиллик инвестиция рентабеллиги даражаси 26,6 % га ортган;

тўқимачилик кластери тизимининг узоқ муддатли даврдаги рақобатбардошлигининг интеграл бошқарув индекс қийматларини «мутлоқ юқори», «юқори», «ўртача», «паст» ва «энг паст» чегарасидаги мезонлари билан баҳолаш бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг услубий фаолиятига жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 1 ноябрдаги 04/06-3055-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида қисқа ва узоқ муддатли даврларда хусусий ҳамда интеграл бошқарув индекс қийматлари таъсирининг киритилиши билан рақобатбардошликни баҳолаш самарадорлиги 15-17 %га ортган;

тўқимачилик корхоналарига янги технологияларни устувор қўллаш, ташқи бозорларга чиқиш ва жамоавий маркетинг лойиҳаларини амалга

ошириш имкониятлари натижадорлигини таъминлаш бўйича таклифлар “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси фаолиятига жорий қилинган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 1 ноябрьдаги 04/06-3055-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида юқори тўқимачилик саноати салоҳиятига эга ҳудудларда мавжуд нисбий устунликлар негизида кластерлар доминантлиги йўналишлари ва соҳа технологик таъминоти бўйича иқтисодий-технологик чора-тадбирларнинг аниқлик даражасини ортишига хизмат қилган;

капитал қўйилмалар ва бошқарув фаолияти кўрсаткичларининг ўзгаришига бошқарув ходимлари сонини оптималлаштириш, бошқарув харажатларини камайтириш ва капитал қўйилмалар ҳажмини муқобиллаштириш асосида ишлаб чиқаришнинг прогноз кўрсаткичларидан «Fergana Oseana» МЧЖ ва «Ваходир Log'on Tekstil» МЧЖ ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 1 ноябрьдаги 04/06-3055-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида юқорида келтирилган корхоналар фаолияти бошқарув самарадорлигини ошириш, ривожлантириш стратегияларини шакллантириш аниқлигини 8-12 %га ортишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ифодаланган 9 та иш апробациядан ўтказилган. Уларнинг 4 таси халқаро илмий-амалий анжуманларда, 5 таси республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш эълон қилинган. Уларнинг 13 таси республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлари материаллари тўпламларида, 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда, жумладан, 3 таси республика журналларида ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тўқимачилик саноати кластерлари шаклланиши ва уларни бошқаришнинг илмий-услубий асослари**» деб номланган

биринчи бобида Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиши ва тармоқ корхоналари кластерлашувининг ўзига хос жиҳатлари, тўқимачилик саноатида корхоналар фаолиятини кластерли ёндашув асосида бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва тўқимачилик саноати кластерларини инвестициялашда фаолият инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг услубий асослари ёритилган.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида саноат тармоқларининг ривожланишида ишлаб чиқариш корхоналарини керакли ресурс жойлашган ва истеъмолчиларга етказиб бериш қулай бўлган ҳудудларда жойлаштириш ҳамда фаолиятни зарурий тузилмалар билан биргаликда комплекс ҳолатда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган саноат, хусусан, тўқимачилик саноатида ҳам рақобат устунликлари негизидаги ривожланиш кузатилади. Мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг шаклланиши ва ривожланиши ижтимоий-иқтисодий, табиий-иқлим, географик ва тарихий асосларга эга бўлиб, мамлакатда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг суғорма деҳқончиликка асосланганлиги ҳамда пахтачилик учун қулай иқлим шароитига эгаллиги яхши моддий-техник базага эга тўқимачилик тармоғининг шаклланишига олиб келди.

Республикамизда иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида бутун агросаноат мажмуаси тараққиётини белгилаб берувчи ҳудудий пахта-тўқимачилик кластерлари муҳим ўрин тутди. Чунки пахта-тўқимачилик кластерлари нафақат енгил саноатни, балки қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиёти учун замонавий бўлган, саноатнинг инновацион тури ҳисобланган кластер механизмидан фойдаланиш, хусусан, пахта-тўқимачилик кластерларини “пахта хом-ашёсини етиштириш – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот” кўринишидаги 100 фоиз қайта ишлашга мўлжалланган объектлар ташкил этади. Чунки пахта-тўқимачилик кластерларида пахта хом-ашёсини етиштириш учун ерларни тайёрлаш, пахтани экиш, етиштириш, йиғиштириш, қайта ишлаш ва бирламчи қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш йўли билан халқаро стандартларга мос келувчи юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг реализацияси билан шуғулланувчи корхоналар битта бошқарув тизимида бирлашади. Тўқимачилик саноати тармоғидаги кластерлашув жараёни ҳам кластер шаклидаги иқтисодий тузилмада самарали бошқарув тизимини талаб этади.

Тўқимачилик кластерлари фаолиятини бошқаришда мавжуд бўлган бошқарув қонунлари, тамойиллари, усуллари ҳамда функциялари кластер бўғинларининг ҳолати ва хусусиятларига мос бўлган тегишли тартибда алоҳида ҳамда аралаш ҳолда қўлланилади. Шунини алоҳида кўрсатиб ўтиш муҳимки, тўқимачилик кластерларида бошқарув тузилмаларининг аралаш

(горизонтал ва вертикал) шаклидан фойдаланилади⁶. Шу нуқтаи назардан келиб чикиб, бугунги кунда мамлакатимиз тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш учун кластерли ёндашув таклиф этилади. Кластер шаклидаги бошқарув тузилмаларининг ташкил этилишидан нафақат кластер таркибидаги корхоналар, балки унда фаолият олиб боровчи ҳудуд, инфратузилма тизимлари ҳам маълум даражада афзалликларга эга бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳудудий тўқимачилик кластерини ташкил этишдан кўриладиган афзалликлар⁷

Кластер билан алоқадаги элементлар	Кластер билан боғлиқликдан кўриладиган афзалликлар
Ҳудудий бошқарув	<ol style="list-style-type: none"> 1. Солиқ тўловчилар миқдори ортади. 2. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини диверсификациялаш орқали тадбиркорлик субъектлари билан алоқалар мустаҳкамланади. 3. Инновацияларни жорий этиш ҳисобига ҳудуд саноатини ривожланиши тезлашади. 4. Ҳудудларда харажатларни стратегик режалаштириш мотивацияси кучаяди. 5. Ҳудуд аҳолисининг турмуш фаровонлиги даражаси яхшиланади.
Кластер таркибидаги инфратузилма корхоналари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Такмиллашган инфратузилма шаклланади. 2. Тадқиқотлар ва ишланмалар яратиш учун янги имкониятлар юзага келади. 3. Кластер таркибидаги корхоналар билан ҳамкорликда хизматларни таклиф этиш орқали харажатлар камаяди. 4. Халқаро бозорларга муваффақиятли чиқиш учун имкониятлар кенгаяди. 5. Меҳнат унумдорлиги ва инновацияларни жорий этиш даражаси ортади. 6. Бир-бирини тўлдирувчи активлардан фойдаланувчи корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик натижасида билим ва тажриба алмашиш кучаяди. 7. Ресурслар (хом ашё, материаллар, капитал, меҳнат бозори) ва сотиш бозорларига чиқишдаги тўсиқлар камаяди. 8. Молиявий ресурслар (инвестициялар)ни жалб қилишнинг янги имкониятлари юзага келади.
Кластер ривожланаётган ҳудуд	<ol style="list-style-type: none"> 1. Маҳаллий маҳсулот ва хизматлар учун бозор кенгаяди. 2. Юқори ташқи миграция даражасининг олди олинади. 3. Ҳудуднинг мавжуд ресурсларидан рационал фойдаланишни йўлга қўйилиши ҳисобига унинг барқарор ривожланиши учун шароитлар юзага келади. 4. Ҳудудий иқтисодиётнинг инфратузилмаси (суғурта, банк соҳаси, транспорт, хизматлар, ишлаб чиқариш ва бошқалар) ривожланади. 5. Корхоналарнинг инновацион фаоллиги ортиши натижасида фан ва таълим соҳалари ривожланади. 6. Маҳаллий аҳоли бандлиги ортиши ҳисобига бюджет даромадлари ортади.

⁶ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. — Тошкент, “Ўқитувчи”, 2001 й. —5 б. <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-300474-1.html>.

⁷ Рудченко В.Н. Кластеры: особенности классификации, процесс формирования и методы оценки // Общество. Среда. Развитие. — 2016, № 4. — С. 14.

Кластерли ёндашув бевосита янги илмий-техник йўналишлар ва уларнинг тижоратлашувини рағбатлантирган ҳолда билимлар тўпламининг инновацион шакллари ташкил этиш учун асос ҳисобланади, шу билан бирга, билвосита таълим ва фан соҳасини ҳамда венчур бизнесини ривожлантиради.

Ҳар қандай иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари самарадорлиги унга жалб этилаётган инвестиция (капитал қўйилма)ларнинг ҳажмига ҳамда уларнинг ташкилий жараёнларда иштирокини таъминлашга боғлиқ бўлади. Миллий саноатимизнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган тўқимачилик саноати тармоғида кластерларни ташкил этиш ва бошқаришда ҳам фаолиятни молиялаштириш масаласи муҳим ўрин тутди.

Тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятига инвестициялар жалб этишда инвесторларга кластернинг инвестицион самарадорлигини тўлақонли очиб бериш, яъни инвестицион жозибадорликни аниқ баҳолаш лозим. Чунки инвесторлар кластер таркибидаги корхоналарнинг даромадлилик даражасини аниқ баҳолаган ҳолда инвестицияларнинг қайтиш даврини ҳамда ҳар бир бирлик киритилган капиталга нисбатан олинadиган даромад даражаси чегарасини олдиндан билишни истади. Бунинг учун тўқимачилик саноати кластери ёки унинг таркибидаги корхона фаолиятини ва уларни бошқариш жараёнлари ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш талаб қилинади.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида Фарғона вилояти Қўштепа тумани “Fergana global textile” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери томонидан 2021-2025-йилларда пахта ҳосилини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган умумий қиймати 30000,0 минг. АҚШ долларидан иборат инвестиция лойиҳасининг молиявий таҳлили амалга оширилди. Унинг натижасида тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишда ушбу соҳага инвестициялар киритишни оптималлаштириш моделини таклиф этамиз.

$$\begin{cases} \sum_{i=1}^n a_i x_i \leq K^{мск} + K^{тк} + K^{дмд} \\ \sum_{i=1}^n c_i x_i \rightarrow \max \end{cases}$$

Бу ерда:

x_i - тўқимачилик саноати кластерларида инвестиция (i) омилидан фойдаланиш интенсивлиги;

a_i - инвестиция (i) омилининг умумий капитал сифими;

$K^{мск}$ - дастлабки режалаштириш даврида маҳаллий саноат корхоналари томонидан ажратилadиган капитал қўйилмалар;

$K^{тк}$ - дастлабки режалаштириш даврида тадбиркорлар томонидан ажратилadиган капитал қўйилмалар;

$K^{дмд}$ - дастлабки режалаштириш даврида давлат мақсадли дастурлари томонидан ажратилadиган капитал қўйилмалар;

c_i - инвестиция (i) омилининг мавжуд капитал салоҳиятдан келиб чиқувчи ҳажми;

$\sum_{i=1}^n c_i x_i$ - тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятида ички салоҳиятни

максималлаштириш мақсад функцияси.

Таклиф этилаётган моделнинг мақсад функциясига мувофиқ, капитал қўйилмалар тўқимачилик саноати фаолиятини ривожлантиришнинг энг жозибадор йўналишлари бўйича тақсимланади, тўқимачилик саноати маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифнинг тузилиши янада мувозанатлашади, бу эса ушбу хизматларга бўлган эҳтиёжни тўла қондиришни таъминлайди ва мамлакатимизнинг тўқимачилик саноати салоҳиятини янада оширади.

Ҳисоблашлар натижасида 2021 йилдан тўқимачилик саноати кластери асосида амалга оширилиши белгиланган инвестиция лойиҳасининг молиявий таҳлили амалга оширилди ва олинган натижалардан келиб чиқиб, инвестиция лойиҳасининг самарадорлиги бўйича қуйидаги баҳоларни белгилаш мумкин:

1. Амалга оширилаётган тўқимачилик саноати кластерини шакллантириш ва ишлаб чиқариш йўналишидаги инвестицион лойиҳа зарурий омиллар мавжуд бўлган ҳудудда ташкил этилмоқда.

2. Дисконтлаштирилмаган қийматлар асосида лойиҳанинг бухгалтерия рентабеллиги (ARR) 5 йил учун 119,1 % ни ташкил этган.

3. Лойиҳанинг инвестиция харажатларини қоплаш муддати (DPP) 3,75 йилни ташкил этади, яъни лойиҳани амалга оширишнинг учинчи йил учинчи чорагидан лойиҳа инвестиция харажатлари қопланади.

4. Дисконтлаштирилган қийматлар асосида лойиҳанинг инвестиция рентабеллиги даражаси инвестиция даври учун 133 % ни ташкил этади ва ўртача йиллик инвестиция рентабеллиги даражаси 26,6 % дан бўлиши кутилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тўқимачилик саноати кластери таркибидаги корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигига таъсир этувчи омилларни баҳолаган ҳолда бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишда маҳаллий саноат корхоналари, тадбиркорлар томонидан ажратиладиган капитал қўйилмалар ва давлат мақсадли дастурларининг оптимал таркибини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг «**Тўқимачилик саноати кластерлари ривожланишининг асосий тенденциялари ва бошқариш жараёнларига омиллар таъсирини баҳолаш**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи ривожланишининг ўзгариш тенденциялари, тўқимачилик саноати кластерлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга таъсир этувчи омилларни иқтисодий баҳолаш ҳамда тўқимачилик саноати кластерларида интеграция жараёнлари рақобатбардошлиги тармоқли ёндашув асосида баҳолаш асосланган.

Бугунги кунда саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш техник-иқтисодий модернизациялаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ташқи ва ички бозор талабларига жавоб берадиган товар ва маҳсулотларни кўпайтириш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади. Шу

боис мамлакатимизда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон иқтисодиётида ЯИМ ва тўқимачилик тармоғининг ўсиш суръати⁸, (млрд. сўмда)

Таҳлил амалга оширилган давр оралиғида мамлакатимизда ЯИМ ҳажми 2010 йилга нисбатан 2020 йилда 5,9 баробарга ортганлиги кузатилади. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2010-2020 йиллар оралиғида 7,7 мартага ортган. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш миқдори эса 2010 йилга нисбатан 2020 йилда 5,4 мартага ортганлиги кузатилмоқда.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ушбу корхоналар фаолиятида қуйидагича ўзгариш тенденцияларини кўрсатмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар⁹, млрд. сўмда

№	Кўрсаткичлар номи	Йиллар						
		2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1	Тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йигириш	5850,2	6539,8	7620,3	10699,7	17135,8	22656,6	29956,1
2	Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	507,4	655,4	758,8	1113,7	1936,6	2738,4	3872,1
3	Тўқимачилик маҳсулотларига ишлов бериш	48,7	59,7	84,7	355,7	151,4	275,2	500,1
4	Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4471,4	5986,8	4871,5	4594,2	5611,3	6056,1	6536,2

⁸ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти www.stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁹ «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, 2014-2020 йиллар давомида республикамиз миқёсида ип, тайёр мато, трикотаж газлама ҳамда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва динамикаси¹⁰

Йиллар	Калава ип (минг тонна)	Тайёр мато (млн.кв. м.)	Трикотаж газлама (минг тонна)	Тикув-трикотаж маҳсулотлари (млн. дона)	Пайпоқ маҳсулотлари (млн. жуфт)
2014	257,8	246,9	37,3	294,8	39,2
2015	307,2	258,3	41,2	339,6	47,9
2016	348,6	285,7	51,1	391,6	64,0
2017	403,7	302,6	69,9	452,3	102,0
2018	448,9	348,9	89,9	536,0	135,0
2019	515,8	380,7	112,3	622,4	184,8
2020	592,7	415,4	140,4	722,8	252,9

Жадвал маълумотларига кўра, 2014-2020 йиллар давомида ип маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 мартага, тайёр мато ишлаб чиқариш 1,7 мартага, трикотаж газлама ишлаб чиқариш ҳажми 3,8 мартага, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 мартага ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,4 мартага ортиб бориши кузатилади. Ушбу маълумотлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш тенденциясини акс эттиради.

Мамлакатимизда 2018 йилда 15 та кластер фаолият кўрсатган бўлиб, ҳар гектар ердан ўртача 21,5 центнердан ҳосилдорликка эришиш ҳисобига жами 400 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилган. 2019 йилда кластерлар сони 73 тага етиб, улар томонидан 1,8 млн. тонна хом ашё етиштирилди.


Ўзбекистонда тўқимачилик саноати фаолиятининг ривожланишига омиллар таъсирини ўрганишдан олдин унинг ҳолатини баҳолаш мақсадида бозорнинг кучли, заиф томонлари, мавжуд имкониятлар ва хатарларни аниқлашга ёрдам берувчи SWOT таҳлил амалга оширилди. Таҳлил матричасидаги ҳар бир бўлақларда жойлашган омилларнинг бир-бири билан кесишуви асосида SWOT таҳлил кесишув матричаси ҳосил қилинди. Кесишув матричасининг устун қисмига Ўзбекистонда тўқимачилик саноати фаолиятининг кучли ва заиф томонларини, сатр қисмига эса мавжуд имкониятларни ва бозорнинг ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хатар ва таҳдидларни жойлаштирилди.

Тўқимачилик саноати ва уни бошқариш жараёнларини ташкил этишга таъсир этадиган омилларни муҳимлилик даражаси бўйича белгилаб олиш мақсадида Тошкент шаҳри, Фарғона ва Андижон вилоятидаги тўқимачилик саноати фаолияти билан шуғулланувчи 90 нафар тадбиркорлик субъектлари ўртасида ушбу фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга омиллар таъсири

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

йўналишида шакллантирилган анкета сўровномаси асосида сўров ўтказилди. Сўровномада иштирок этган респондентлар фикрини баҳолаш асосида тўқимачилик саноатини ривожланишига таъсир этувчи муҳим омилларнинг боғлиқлик даражаси баҳоланди.

Кластер тизимлари рақобатбардошлилигини баҳолашда функционаллик, тизимлилик, фаоллик ва интеграцион индекслар муҳим ўрин эгаллайди. Тўқимачилик саноати кластерлари фаолияти асосида интеграция рақобатбардошлилиги индексидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари тўқимачилик саноати кластерларининг рақобатбардошлилигини ҳар томонлама бошқаришни таҳлил қилиш учун хусусий рақобатбардошлилик индексларини киритиш соҳа фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади (2-расм).



2-расм. Кластер тизимини рақобатбардошлилигини баҳолаш модели¹¹

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

